

НИМА ҚИЛСА ҲАМ ЎЗИНИКИДА

Фермер узок муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжаликнига айланиши керак. Шу боис, тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур.

Фермер қишлоқ мулкдори, ернинг ҳақиқий эгасига айланди. 1998 йилда тадбиркорликка қўл урган тахтакўлири Нурлан оға Таниёзов юридик шахс мақомини олгач, фермерликнинг қувончу ташвишларини бошидан кечирди. Айни кунларда мавжуд 102 гектар майдонда устирилатган дон, пахта, шולי, оқ жўхори, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириляпти.

Тумандаги Ободон Татлимуротова раҳбарлик қилаётган жамоа ҳам самарали меҳнати туфайли юқори иқтисодий самарадорликка эришмоқда. Лизинг шартномаси бўйича ҳайдов ва чопик трактори сотиб олган фермер хўжалигида фойда хисобидан ўз аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилляпти. Ишчиларга ойлик маош билан бирга қишлоқ хўжалик махсулотлари ҳам арзон нархда тарқатилляпти. Кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тўртқул туманидаги «Равшанбек» хусусий хўжалиги раҳбари Олимбой Мамутов Оролбўйида яхши билишди. Хоразм вилоятининг Тупроққалъа қўллариди ишлаб, катта тажриба орттирган уста деҳқон «Пахтаобод» хўжалигидан ер олиб, фермерликка қўл урди. Хар йили иқтисодий фойда ошиб бляпти. Утган йили сувсизликдан қуриб қолган боғни обод қилишга киришган жамоа 2,5 гектар мевади дарахт ниҳоллари ўтказди. Фермернинг иштирокида «Т-4», «Т-28», «МТЗ-80» русумли тракторлари ва галла ўриш комбайни бор.

«Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони билан тақдирланган қишлоқ мулкдори келажакда чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш ниятида. Фермернинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида»и Фармониди ер ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, давлат эҳтиёжлари учун зарур махсулотлар етиштириш асосий вазифа қилиб қўйилган. Қорақалпоғистонда кейинги икки йил ичида паст ностабели 42 та ширкатлар туғатилиб, улар негизиди 1803 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Оролбўйиди 5715 та фермер деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, балиқчилик, асвалрчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланыляпти.

Исзат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ИШОНЧ

2004 йил 25 июн, жума № 102 (1735)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Қорақалпоғистон республикасида экологик муҳит оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилиш борасида кўплаб ташкилот, муассаса ва жамғармалар фаолият олиб бормоқда. Шулардан бири халқаро оролни кутқариш жамғарма ижроия кўмитаси Нукус филиалининг Чимбой тумани агентлигидир.


Мазкур агентликда ишсиз, кам даромадли оилаларни моддий кўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 5 та туман аҳолисидан 155 та лойиҳа қабул қилиниб, шундан 121 таси лойиҳалаштирилди. Уларни амалга татбиқ этиш натижасида 180 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг 11 тури бўйича лойиҳани амалга оширувчилар 48 миллион 165,7 минг сўм соф фойда қуришди.

Агентлик асосан юқори ташкilotлар томонидан маъқулланган лойиҳаларни молиялаштириш маблагий бўйича танлов ўтказиб, шу асосда қарз бериш сингари юмушлар билан шуғулланыди.

Бу борада ўзини ўзини бошқариш уюшмалари, қишлоқ, шаҳар, маҳалла кенгашлари билан яқин алоқада бўлиб ҳамкорликда иш юритилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида агентлик томонидан Нукус филиалига юборилган 30 га яқин лойиҳа маъқулланди. Шу билан бирга деҳқончилик ва чорвачиликни рағбатлантириш борасида деҳқон ва фермер хўжаликларига лойиҳалар тайёрлиниб, маблаг ажратилиши давом эттирилляпти.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири



Норин туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда 120 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар учун Марказий шифохона, 1 та катталар, 2 та болалар поликлиникаси ҳамда 15 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. 1200 нафар норинлик тиббиёт ходимлари эл соғлиғига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шифо масканлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кишилар саломатлиги доимий равишда шифокор назоратидан ўтказиб боришмоқда.

Суратларда: лаборант Л.Салимова; марказий шифохона бош шифокори (ўртада) А.Мавлонов ва бўлим бошлиқлари Ш.Ғаниев, А.Умрзоқов. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Республикамиз иқтисодиёти энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни чет эл сармояси хисобидан хусусийлаштириш йўли билан ривожланди. Натижада кўплаб янги корхоналар ташкил топди ва улар ҳам республикамиз бозориди ўз ўрнини топиб келмоқда. Бу миллатимиз менталитети ва анъаналаримизга мос келадиган жиҳатдир. У нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш эвазига истеъмол товарлар тақлифини ёки мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун керак. Аҳолининг ишсизлик муаммоларини ҳал қилиб, турмуш тарзини яхшилашда ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик жуда муҳим ўрин тутаяди.

Ҳамма ерда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам айнан кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 4 миллион 167 минг 824 евро миқдориди кредит линияси очилди. Натижада 6 та лойиҳа молиялаштирилди. 132 та янги ишчи ўринлари яратилди. 2000 йил 14 декабрдаги банкларни иштирок этмоқда. «Пахта Банк» ва ЕТББ ўртасида тузилган кредит битими асосан 15 миллион АҚШ долларида кредит ажратилди. Хозирда ушбу қарз хисобидан жами 13 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 20 та лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг оқибатида 383 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

2001 йилда Осиё Ривожланиш ва Тараққиёт банки «Пахта Банк»ка 15 миллион АҚШ доллари ажратган эди. Мазкур линия хисобидан ҳозирча 10 та лойиҳа молиялаштирилган. Натижада 573 та янги ишчи ўринлари яра-

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ ҲИСОБИДАН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Банк томонидан Халқаро Тиклишиш ва Тараққиёт банки кредит линияси хисобидан 2,5 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 4 та лойиҳа маъқулланди ва ушбу қарзни ўзлаштириш борасида иш олиб боришмоқда. Юқориди таъкидланган барча кредитлар иқтисодиётнинг турли соҳалари учун йўналтирилган. Улар қишлоқ хўжалиги, қурилиш моллари, спиртсиз ичимлик ва бошқа халқ истеъмол махсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, ҳам ички бозорда импорт ўрнини босишда, ҳам мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларининг самарали амалга оширилиши-

да ҳукумат томонидан яратилган иқтисодий муҳит муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва уни кўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ҳар соҳага киритилмаган инвестициянинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда инвесторларга фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилинган. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Лекин айрим тадбиркорларнинг ушбу қонунлар билан тўлиқ танишиб чиқмаганликлари натижасида баъзан муаммоларга дуч келинмоқда. Тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасликлари

оқибатида эса, улар томонидан амалга ошириляётган ва самарали бўлиши кўзда тутилган лойиҳалар инқироз кўчасига кириб қолиш ҳоллари ҳам кузатишмоқда. Бунинг вақтида тушунган «Пахта Банк»нинг юридик бошқармаси тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида бир мунча ишларни амалга оширди. Хусусан, бу ерда тадбиркорлар истаган вақтларида маслаҳатлар олишлари мумкин. Қолаверса, ушбу олган билан лойиҳани ўз бизнес режаларида мужассамлаштиришлари улар бошлаган ишда муваффақият қалити бўлмоқда. Равшан ЮНУСОВ, «Пахта Банк»нинг етакчи мутахассиси

Агар бу уйда - деворларда тил бўлса эди, ўз бошига тушган шўришув гавғолар, биногоиш кўйганларнинг янчили қисмати, кейин ким ошди савдосига кўйилгани-ю, унда гоили бўлганларнинг уйсиз-жойсиз қолиб, сарсон-саргардон этилигани ҳақида сизга ғаройиб эрталар сўзлаб берган бўларимди. Яхшиям, ер, тупроқ ҳамма нарсани кўтараворади. Деворлар гам-аламдан «тврс» ёрилиб кетмайди.

Туркистон кўчасидаги 1-ўй би пайтлар уни лои қориб, орзу-ҳавас билан бўғиб этган Давронбек Исмоиловга тегишли эди. У ва турмуш ўртоғи Халима Раҳмонова бу уйда Жамол, Умид, Қувондик, Гўзал, Муборак, Ирода исмли бир-бирдан ширин фарзандлари билан гўзал орзулар оғушида яшашарди. «1975 йилдан танишим Ойгул Якубова ўғли Жамолни алдаб пул ишлаб келиш мақсадида аввал Эронга, кейин Россияга олиб кетиб, шундан сафарлардан бирида мастлигидан фойдаланиб, унинг қўлидан 250 минг сўм қарзман, деб тилхат ёздириб олгани ҳаётимизни остин-устин қилиб юборди, - деб ёзади муштира она Халима Раҳмонова. - Россиядан қайтган Ойгул Якубова «ўғлинг менинг уйимда гаровда қолди. Уйингни меннинг номига ўтказиб берсанг, уни соғ кўрасан, бўлмас...», деб таъзиқ ўтказишга ўтди».

Ойгул Якубованинг «Д.Исмоиловни оила аъзолари билан низоли уйда мажбурий чиқариш ҳақида»ги шикоятини қониктирган Урганч шаҳар судининг 1996 йил 22 июлдаги қарори ва уни тасдиқлаган фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг ажрим қўйидаги асосларга қўра рад қилиниши лозим, дейилди республика бунд прокуратурининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, ўзини даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б.Пўлатов томонидан республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 1997 йилнинг 9 июлида келтирилган наэорат тарибидидаги протестида. Ушбу иш судда кўриляётганида Уа ФПКнинг иш моҳиятини хар томонлама чуқур ўрганши, юзаси сўраш билан чекланмай иш учун аҳамиятли хар бир ҳолатга

оқибатида тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасасига мурожаат қилган-қилмаганини ҳам аниқлаш керак. Вилоят суди қассияга инстанциясига тақдим этилган (жиддинг 83,85-бетлари) №79 1996 йил 23 июлдаги ва №242 1996 йил 25 июлдаги далолатномага қўра Д.Исмоилов 1996 йилнинг 5 майида Урганч шаҳридаги марказий шифохонага чап кўрак қарфаси эзилгани бўйича шикоят қилиб, 1996 йил 5 май-

УЙ МОЖАРОСИ

қолгани хусусида

06.05.96 йилдаги Урганч шаҳар К.Маркс кўчаси 1-ўй олди-сотди шартномаси бекор қилинган. Д.Исмоилов ва Х.Раҳмонова оила аъзолари билан низоли уйга кириштириб, даввогар Ойгул Якубова ва Жамолбек Исмоиловдан қарз пуллари ни ундириш, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган. Бирок, ўйил этган умид ўқунни кўп ўтмай қайта сўнган. Вилоят суди ажримига асосан ишни қайтадан кўрган Урганч шаҳар суди судьяси С.Нурметов 1996 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарорини ўз қучида қолдирган. Шу билан ишсиз ҳам идорама-идора юрaverиб толиққан, кўп болали Исмоиловларнинг тинч-мадори қуриган, даъвои давом эттиришга, яна судма-суд юришга ҳали қолмаган қўрилади. Хозир лаш-луши кўчага улқотирилган 8 жондан иборат бу оила Урганч туманидаги ташландик бир ферма-

Бир хат изидан

рда даввогарлар шикоятини қониктириш ҳақида сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилган. Бу қарор 2003 йил 11 мартда вилоят суди қассияга судлов ҳайъати ажрим билан ўзгартиришсиз қолдирилган. Қарздор суд қарорини бажаришга ўйда турсин, ичрочи қақиривуига ҳам келмаган. Шундан сўнг О.Якубованинг қарзи хисобига ижрога қаратиш мумкин бўлган шаҳарнинг Туркистон кўчасида эҳтиёждан ортиқча уйи борлиги, бу уйда ҳеч ким яшамаслиги аниқланган. Бу уй Ойгул Якубованинг номига қимдан, қандай ўтгани юқоридидагилардан сизга маълум. Шу асосда Туркистон кўчасидаги 1-ўй 5.803.200 сўмга баҳоланиб, рўйхатга олинган ва жойга таъқиқ белгиси қўйилган. Ниҳоят, ўтган йилнинг 2 октябрида рўйхатга олинган мулк биржа орқали ким ошди савдосига кўйилиб, бундан қарздор ва ундирувчилар ҳам ёзма равишда хабардор қилинган. Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм вилоят бўлими директори Б.Саиджоновнинг фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди судьяси М.Саъдуллаева номига юборган хатида уй сотилиш давомида ҳеч қандай қонунбузилишларга йўл қўйилмагани айтилган. Ким ошдидан тушган пул хисобидан Д.Машариповага 3 миллион, Ш.Жуманиёвовага 1 миллион 836 минг, давлатга 967 минг 200 сўм, биржага 700 минг сўм, жами 6 миллион 503 минг 200 сўм тўланиб, қолган 496 минг 800 сўм СИБнинг депозит рақамига сақлаш учун қўйрилган ҳамда қарздорга ортиқча пулни олиш ҳуқуқи тушунтирилган хат юборилди. Лекин бу Баҳром Рўзметов ким ошдида сотиб олган уйга эгалик қилди, дегани эмас. Урганч шаҳар 16-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Жуманиёвова, хотин-қизлар кенгаши раиси Н.Қозоқова ва олти нафар маҳалла фаоллари 2004 йил 14 апрелда тузган далолатномадан шундай сатрларни


қўқш мумкин: «Якубова Ойгулнинг уйига 2000-2002 йиллар оралиғида борганими, аммо уни уйда топишнинг иложи бўлмади. Шундан бўлишига қарамастан, Якубова Ойгулнинг эри ва ўғлига учрашиб, маҳалла раёсатига арз қилиб ёрдам сўраб келган қарз бериувчиларнинг даъволарини тушунтириб, Ойгул пуллари қайтариб бериш кераклиги тўғрисида бир неча бор оғохлантирдик. Қарздори эри Қўзиев Шодурди ва ўғли Қўзиев Ойбек Ойгул Россия давлатида тижорат ишлари билан юргани, савдоси юришмаётгани, тез кунларда ўзи бу ерга қайтиб келиб барча қарз пуллари тўлаб, орани очик қилишни бизга билдиришган эди. Уйни ким ошди савдосида сотиб олган Б.Рўзметов мана беш ойдан бери унинг собиқ эгалари қаршилиги сабабли уйга киролмай сарсон бўлиб юрибди.» Урганч туманлараро судининг Б.Рўзметовнинг Ш.Қўзиевга нисбатан уйдан чиқариш ва уйга киролгизиш ҳақидаги шикоятини қониктирилган ҳам фойда бермади. Кўп ўтмай вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг ажрим билан ижро яна тўхтатилди. Бунга қарордан норози бўлган жавобгар О.Якубова ва Ш.Қўзиевларнинг апелляция шикоятидидаги низоли турар-жойда ўғли Ойбек ва қизи Розалар рўйхатда турришга қарамай, суд ишчи уларнинг иштирокисиз қўрилганиги, суд ичрочилари томонидан 4 миллион 836 минг сўм қарз учун турар-жойи нотўғри рўйхатга олинганлиги, 20 миллион сўмлик уйи биржа орқали турар-жой рўйхатда турганларнинг розилигисиз арзон баҳода сотилган, низоли бинодан бошқа турар-жой йўқлиги каби ваявлари асос бўлди. Апелляция шикоятидидаги мана бу жумлаларга эътибор беринг: (Давоми 2-бетда)

Хурматли «Ишонч» газетаси таҳририяти ходимлари!

Ишон учун энг кераклиси - саломатлик. Республика-миз ҳукумати меҳнаткашлар соғлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни камол топтиришга қаратилган кенг қўлмали ишларни амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида барча ҳавас қиладиган ажойиб шифо масканлари фойдаланишга топширилди.

Улар қаторида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши даволаш-профилактика Марказидаги ажойиб шароит, даволашнинг энг замонавий усуллари, юқори малакали шифокорлар ҳақида эшитиб қолдик. Сизлардан илтимос, ана шу даволаш-профилактика Маркази ҳақида газета орқали кенг тушунча берсангиз.

Рўзимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
Комил ЭРМАТОВ,
Уллибиби ЖУМАНИЁЗОВА,
Хоразм вилояти Урганч шаҳри



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МАРКАЗИ



Марказ ҳаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий диагностика ва даволаш муассасасидир. Бу ерда бугунги кунда анъанавий тиббий да-
волаш услублари билан бир қаторда ноанъанавий услублар ҳам кенг қўлланилади. Сизга юқори малакали мутахассислар: кардиолог, терапевт, невропатолог, гинеколог, окулист, оталоринголог, стоматолог, жарроҳ маслаҳатлари, дунёнинг етук давлатларида ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амбулатор ва стационар шароитда диагностика ва даволаш хизматларини тақлиф этади.

Компьютер-томография радиологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда етакчи бўлган «General Elektrics Medikal» компаниясининг ускуналарида амалга оширилади.

Рентген текшируви беморга нурлар минимал таъсир қўрсатишини таъминлайдиган «Silhouette-VR» рентген аппаратида ўтказилади.

Ички аъзоларни ультратовуш текшируви Япониянинг етук «Toshiba» фирмасида ишлаб чиқарилган аппарат ёрдамида амалга оширилади.

Электрокардиограмма олиниши ва компьютер таҳлили АҚШнинг «Quinton 710» ускунасида олиб борилади.

Электроэнцефалография - бош миёда патологик жараёнларни ташхиси ва электроэнцефалограммининг компьютер таҳлили машҳур «Neugosoft» фирмасида ишлаб чиқарилган аппаратда ўтказилади.

Гастрофиброскопия ошқозон ва ичак текшируви ҳамда маҳаллий эндоскопик даволаш жараёнлари Японияда ишлаб чиқарилган «Olympus» аппаратида ўтказилади.

Лабораторияда клиник ва биохимик таҳлиллар қилинади. Бугунги кунда долзарб бўлган қондаги вирусли инфекциялар аниқланади. (ЦМВ, хломидиоз, токсоплазмоз ва бошқалар).



Марказда стоматологик хизматларнинг барча турлари мавжуд. (Оқриксиз даволаш, жарроҳлик, ортопедия).

Физиотерапия бўлимида хилма-хил даволаш усуллари (паст ва юқори частотали тоқлар, шунингдек, иссиқлик лазер нури билан даволаш ҳамда сув ости массажи) билан бир қаторда ноанъанавий бўлган (игна билан даволаш Суджок, Массажуки Саидзи япон массажи ҳамда шифобахш балчик, зулук билан даволаш ва ҳ.к.) усуллар кенг қўлланилади. Шунингдек, даволанувчиларга кислородли коктейл, ҳар хил шифобахш гиёҳлардан тайёрланган ичимликлар тавсия этилади.

Стационар замон талабларига жавоб берадиган бир ва икки кишилик люкс палаталардан ташкил топган.

Бу ердаги ажойиб ошхонада юқори малакали пазандалар хилма-хил парҳез таомларини буюртма усулида тайёрлайдилар.

Мурожаат учун телефонлар: (99871) 166-57-91, 166-57-94, 66-40-36, 166-57-93, 166-57-95.



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

ХИНДИСТОН-ПОКИСТОН:

ЯДРОВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Хиндистон ва Покистон муносабатларида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ўтган йилнинг ноябр ойида икки мамлакат чегарадош ҳудудларда ўт очини тўхтатиш ҳақида келишувга эришган эди. Кўп ўтмай, темир йўл, транспорт ва ҳаво алоқаси тикланди. Иқтисодий ҳамкорлик қайта йўлга қўйилди.

Ижобий томонга ўзгарган вазият баҳсли муаммоларга биргаликда ечим топиш имконини бераётди. Ядровий хавфга барҳам бериш ва ўзаро ишончини мустаҳкамлаш борасида икки мамлакат раҳбарлари яқинда музокара ўтказгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Хиндистон пойтахти Деҳлида ўтган икки кунлик уч-

рашувда инкирозли ҳолатларни бартараф этиш, стратегик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ядровий хавфнинг олдини олишда ҳамкорликда иш юритиш масалалари муҳокама этилди.

Сир эмаски, ўтган аср охирида Хиндистон ва Покистон ўз оммавий қирғин қуролларини синовдан ўтказган, ҳаҳон ҳамжамияти Жанубий Осиёга ядровий ҳалокатлар эҳтимоли бўлган минтақа сифатида қарай бошлади. Шу боис учрашувда Хиндистон томони биринчи бўлиб ядро қуролини ишга солимаслик ҳақидаги қарорини тасдиқлади.

Музокара ақунлари бўйича қабул қилинган қўшма баёнотда билдирилишича, ядровий хавфни бартараф этиш

Шарҳловчи минбари

Хиндистон ва Покистон ҳар йили ядровий иншоотлар рўйхатини ўзаро алмашиб келади.

Хитойнинг Циндао шаҳрида давом этаётган «Осиёда мулоқот ва ҳамкорлик» халқаро анжуманида иштирок этаётган Хиндистон ташқи ишлар вазир Яшвант Синх журналистларга интервью берар экан, икки мамлакат ўртасидаги ишонч кун сайин мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Бу эса ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, музокаранинг кейинги босқичи 27-28 июн кунлари яна Деҳлида бўлиб ўтади. Унда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, узок йилдан буюн ечим топмай келаётган Кашмир муаммосини ҳал этиш борасида фикр алмашиш режалаштирилган.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

дистон ва Покистон ҳар йили ядровий иншоотлар рўйхатини ўзаро алмашиб келади.

Хитойнинг Циндао шаҳрида давом этаётган «Осиёда мулоқот ва ҳамкорлик» халқаро анжуманида иштирок этаётган Хиндистон ташқи ишлар вазир Яшвант Синх журналистларга интервью берар экан, икки мамлакат ўртасидаги ишонч кун сайин мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Бу эса ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, музокаранинг кейинги босқичи 27-28 июн кунлари яна Деҳлида бўлиб ўтади. Унда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, узок йилдан буюн ечим топмай келаётган Кашмир муаммосини ҳал этиш борасида фикр алмашиш режалаштирилган.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

МУБОРАКЛИК ТАДБИРКОР

Муборак туманидаги «Престиж» кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар Қашқадарёдагина эмас, республикамизнинг барча вилоятларида ўз миқдорларига эга десак, муболага қилмаган бўларми.

Эл орасида «Торосовнинг мебеллари» деб ном олган бу жихозлар хорижийдан қолишмайди. Кўрсангиз, ўзингиз ҳам харидор бўласиз-қоласиз. Сергей Георгиевич Торосов асли боқулик. Ишлаш учун Ўзбекистонга келиб бир умрга қолиб кетди.

Торосовнинг кичик корхонасида 100 га яқин ишчи меҳнат қилади. Унинг цехларида ёғочга қайта ишлов берилиб, юмшоқ стол-стул, чорпоқ, болалар учун махсус қаравотлар, хонтахта, дарвоза, тайёрланади.

Яқинда С.Торосов яна бир янгиликка қўл урди. Алюминдан эшик ҳамда дераза ромлар ясалмоқда. Махсулот қўлма-қўл бўлиб кетди. Буюртмачиларнинг кети узишмай қолди. Бугун Муборакда қурилаётган биналарнинг деярли ҳаммасининг эшик ва дераза ромлари Торосовники. Кичик корхонанинг ёрдамчи ҳўжалигида молхона, товухона, экин майдони ҳам бор. Махсулотларнинг барчаси бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларники. Хозирда ишбилармон Торосов жунни қайта ишлаш цехини очиб ниятида қурибди.

ТАРМОК ИМКОНИАТЛАРИ

«Қува ун» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида омихта ем ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Шу пайтгача ичкиламчи махсулотлар бошқа турдош корхоналарга омихта ем тайёрлаш учун бериб юбориларди.

Корхонада бирламчи махсулот ишлаб чиқариш сифатига эътибор қаратилиб, асосан биринчи навли ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ана шу мақсадда қайта ишлаш тегиримонлари таъмирланиб, элаклари алмаштирилди. Натижада махсулот сифати ва салмоғи ортди. Бу эса табиий равишда ичкиламчи махсулот миқдорини ҳам оширди. Бозор талаблари асосида иш юритаётган корхона замонавий омихта ем ишлаб чиқариш цехини қурди. Бу ерда 70 миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, ишлаб чиқаришга жорий қилинган янгилик туфайли корхона йил давомида 10-15 миллион сўм қўшимча даромад топади. Эътиборли томони, янги тармоқ йигирма нафар кишлоқ ёшларини иш билан таъминлади.

Истеъмолчилар талабларини инобатга олган ҳолда, шаҳар ва кишлоқларда ўз дўконларимизни очяғмиз, — деди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Муфтоқил Эрматов. Айни кунда Қувасой,

Фарғона шаҳарлари, Қува, Езёнов ва Фарғона туманларидаги дўконларимиз узлуксиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, янги қурилган 2 та нон ёғиш цехларида ҳам ойда 10 тоннадан ортиқ нон ва нон махсулотлари тайёрлаб, пешма-пеш савдо дўконларига чиқариляпти.

МАХСУЛДОРЛИК ОРТАДИ

Олтириқ туманидаги «Тон» ширкат ҳўжалигида Германиянинг «ГолштинФриз» зотли чорва молларини парваришлаш йўлга қўйилди.

Вилоят насличлик корхонаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ҳўжалик чорва моллари бош сонини кўпайтириш, гўшт ва сўт махсулотлари еттиштириш ҳажминини ошириш имкониятини бермоқда.

— Янги зотлар Фарғона иқлим шароитига мослиги, касалликларга чидамлилиги, сервуст серёғлиги билан ажралиб туради, — деди ширкат ҳўжалиги бошлиғи Бахтиёржон Муллажонов. Айни кунда ширкат ҳўжалигида янги зотларни сунъий кўпайтириш билан боғлиқ ишлар поёнига етказилди. Йил охирига келиб янги зотли буюқлар парваришларини бошлаяпти. Жорий қилинган янгилик самараси туфайли ҳўжалигимизда нафақат гўшт, балки сўт махсулотлари еттиштириш имкониятига ҳам эга бўларми. Хозирда эса тумандаги мавжуд санаторийлар, болалар ва соғлиқни сақлаш муассасаларига сўт ва гўшт махсулотлари етказиб бермоқда.

БИЗДАН ЯХШИЛИК КОЛАДИ

Ватан раънақи ва келажаги соғлом авлод кўлида- дир. Бу борада аёллар тиббий маданиятини ошириш, кишлоқда яшовчи аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамла- шга, соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши устивор йўналишлардан бири эканлиги ҳам шундан. Назарда тутилган мақсад фақат инсон саломатлигига қаратил- ган. Шу боис муқаддас ўша - оила пойдеворини му- стаҳкамлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси- нинг қарорига биноан шу йилдан эътиборан бўлажак келин-куёвлар турмуш қуришдан олдин тиббий куриқдан ўтишлари шарт, деб белгиланган бўлибди. Оилада тиббий мадания- тни яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофазалашда Жомбой туманида кенг қўлланма тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан 390 ўринли марказий касалхо- нада 20 та бўлим, 20 та кишлоқ врачлик пунктлари, 2 та кишлоқ врачлик амбу- латорияси туман аҳолиси- га тиббий хизмат кўрсатиб келяпти. Туманда кишлоқ врачлик пунктлари қуриши- га алоҳида эътибор қаратилган. Туман ҳоким- лиги ташаббуси билан ҳўжаликлар ва ташкилот- лар ҳомийлигида сўнгги 5-6 йил ичида 10 та кишлоқ врачлик пунктлари қуриб, ишга туширилди.



Битта ҚВП қурилиши учун 24 миллион сўм, жи- ҳозлаш учун эса 5 милли- он сўмдан зиёд маблағ сарфланган. «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидаги «Чал- кўрган», Бозоров номи ширкат ҳўжалиги ҳудудиди- га «Газира», Усмон Носир номи ширкат ҳўжалигидаги «Сариқипчоқ», «Эл ота», «Са- роё» кишлоқларидаги ҚВПлар замонавий асбоб-ус- нуналар билан жиҳозланиб, халққа намунали тиббий хиз- мат кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида учта ҚВП қурилиши режалаштирилган. Улуғбек номи ширкат ҳўжа- лигидаги «Кўргонсаломон», Хўжам Низаматов номи ширкат ҳўжалигидаги «Тут», А.Навой номи ширкат ҳўжалигидаги «Наҳагон» ки- шўқларида Мустақиллик бай- рами кўнига кишлоқ врачлик

пунктлари қурилиб, фойдала- нишга топширилди. Бундан кўзланган мақсад тиббий хизматни кишлоққа кўчириш- дир. Бунинг сабаблари бор, албатта. Жами 517 нафар ногирон боланинг 421 нафа- ри кишлоқ болалари ҳисоб- ланади. 122 минг аҳолиси

бир кишлоқда кишлоқ врач- лик пунктлари қурилиши уюш- қоқлик билан олиб бориляпти. Аҳоли мунтазам тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Ай- никса, бўлажак келин-куёв- ларнинг никоҳдан олдин тиб- бий кўриқдан ўтишлари учун туман касалхонаси, поликли- никаси ҳамда кишлоқ врач- лик пунктларида махсус хо- налар ташкил этилган. Агар касаллик аниқланса, сир сақ- ланиб, даволанишга юборил- моқда.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Болаликдан но- гирон ва кейинчалик ортит- рилган касаллик туфайли но- гирон бўлган болаларга на- фақа тайинланган. Улар ҳар йили мунтазам тиббий кўриқ- дан ўтказилиб бориляпти. Жорий йилнинг 5 ойи мобай- нидида 100 нафарга яқин но- гирон реабилитация қилин- ди. 900 нафарга яқин аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. 96 нафар уруш қатнашчи- лари ва ногиронларга бирин- чи ёрдам аптекалари таш- кил этилиб, қўрилди. 8 минг 522 нафар қария, 121 нафар ёлғиз кексалар, 39 на- фар Чернобил қатнашчилари- га ҳамширалар бирикти- риб қўйилган.

Тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам маъмурият билан бирга- ликда жиддий эътибор бер- ярляпти, - дейди касалхо- на касабаси уюшма кўмитаси раиси Гавҳар Абаева. - 4

2004 йил - Мехр ва мурувват йили



нафар ходимга санаторий- га имтиёз билан берил- ган. 9 нафар нафақадаги қарияга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб турибмиз. **Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири**

Евро-2004

Россиялик ҳакам Валентин Иванов ўйнади тўхта- лишлар ўрнини қоплаш учун ўчрашувга беш дақиқа кўшиб берди. Ўша кўшимча вақтнинг тўртинчи дақи- қаси бошланганда Болгария ҳужумчиси Мартин Пет- ков италяндар дарвозабони Жанлуиджи Буффон бил- лан аккама-якка чиқди. Бирок, қулай вазият бой бе- рилди, тўғрироқ, голкипер маҳорат намойиш этиб, жамоасини аниқ-тиник мағлубиятдан сақлаб қолди.

КАССАНО ИТАЛИЯГА ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

Лекин чорак финалда Голландия ўйнади

Худди шу заҳоти Жованни Трапаттони шогирдлари қар- ши ҳўжмага ташландилар ва ушбу ўйинга хос тўс-тўпалон ичида ҳўжумчи Антонио Кассано яқин масофадан бутун матч давомида ортиқча кўтилган ғалаба келтирувчи голга муаллифлик қилди. Табладаги 1:1 ҳисоби 2:1 га айланди, ўйинчиларнинг қувончини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хатто, Кассанонинг кўзларида ёш қалқди. Лекин худди шу аснода дарвозабон Буффон бошини чагналганча ҳай- кал сифат бўлиб қотиб турарди. У ич-ичидан афсус-надо- мат ичида эди. Неге? Ахир ўртоқларига қўшилиб қувонса бўлмайдими?! Афсуски, Буффонга қувонши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. У заҳира ўйинчилардан сал олдин Швеция ва Дания термалари 2:2 ҳисобида дурангаг имзо чеккани ҳақида хабарни эшитган, бу эса бир йўлга уч жамоа бир хил, яъни 5 очко тўплаганини англистарди демакки, тўрлар нисба- ти ёмонроқ бўлган Италия чемпионати билан хайрлашиши керак эди. Буни ҳеч ким, шубҳа йўқки, Буффон ҳам асло кутмаганди.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.Швеция	3	1	2	0	8-3	5
2.Дания	3	1	2	0	5-3	5
3.Италия	3	1	2	0	4-3	5
4.Болгария	3	0	0	3	1-9	0

Энди барча диққат-эътибор «Д» гуруҳига қаратилди. Ҳўш, Швеция ва Дания энди қайси давлат вакиллари билан чо- рақ финал баҳсига киришадилар? Чехия ўз гуруҳида муда- датидан илгари биринчилиги нақд қилиб қўйгани учун унга рақиб бўлиши Дания футболчилари ҳаёлан жангга киришиб улгурган эса-да, Швеция азалий муҳолифлар - Голландия ва Германиядан қайси бири чорак финал йўлланмасини кўлга киритишни кутишга мажбур эди. Айтиш мумкинки, бахт хатто Латвия термасига ҳам қулиб боқиб эҳтимоли бор эдиким, бу ўз навбатида хал қилувчи ўйинлар ўта му- росасиз кечишидан далолат беради.

Лекин, қўтилмаганда чехлар мураббий Карел Брюнер немисларга қарши ўзининг иккинчи таркибини туширди. Ажойиб ҳолат. Бу билан у асосий ўйинчиларга чорак фи- нал олдидадан дам бермоқчи эди заҳира футболчиларини синовдан ўтказиб олмақчи эдимки, билмайдиган, нима бўлганда ҳам бу Руди Фёллер учун яхшигина соғва эди. Демак, ик- кинчи ўрин Германияга насиб этади. Учрашув бошланиши ҳам шуни тасдиқлагандек бўлди. Михаэл Баллак ҳисоб- ни очиб, ўз жамоасини олдин- га олиб чиқди. Энди ғалабани ушлаб қолиш, яна ҳам тўри- роғи, уни мустаҳкамлашга қолган.

Йўқ, ундай бўлмади. Чехия энг иродали жамоа сифатида эътироф этилишга лойиқ жа- сорат кўрсатди.

Едга олинг. Биринчи тур: ҳеч қўтилмаганда Латвия ол- динга чиқиб олди. Фақат иккинчи таймининг охиридадаги- на чехлар ҳисобни тенглаштиришди, сўнг эса ғалаба тўли- ни киритишга муваффақ бўлишди.

Иккинчи тур: Голландия 2:0 ҳисобида олдинда бораёт- ган эди. Яқуний ҳисоб эса 2:3. Чехия бу ғалабадан сўнг гуруҳ қарвонбошисига айланди.

Учинчи тур: Яна шу манзара. Баллак ватандошларини олға бошлаган бўлса-да, барибир Чехия 2:1 ҳисобида за- фар қўчди.

Ҳч ўйинда уч ғалаба. Бундай натижага хатто Франция ҳам эриша олмади. Қўйил, Чехия!

Голландия термаси ўзи учун ниҳоятта зарур бўлган ғала- бани кўлга киритди. Рууд ван Нистелрой (иккита) ва Рой Макай томонидан Латвия дарвозасига йўлланган жавобсиз уч гол Нидерландия қироллиги футбол шикмобозларини Пор- тугалияда қолиб, муҳлислик қилиш бахтига мушарраф этди.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.Чехия	3	3	0	0	7-4	9
2.Голландия	3	1	1	1	6-4	4
3.Германия	3	0	2	1	2-3	2
4.Латвия	3	0	1	2	1-5	1

Испания, Италия, Германия... Бу жамоалар, қанчалик ачинарли бўлмасин, майдон четида қолиб кетдилар. Ушбу термалар мутасаддилар учун оғир дамлар бошланди. Ан- чик таъналар истеъфо билан яқин топса ҳам ажаб эмас. Бу - футбол. Унда ҳамма нарса юз бериши мумкин. Юксалик ҳам ва бунинг ақси ҳам. Футбол аслида шуниси билан қизиқарили, оҳанрабо каби миллионлаб муҳлислар нигоҳи- ни ўзига тортиб турганлиги ҳам шу боисдандир.

Биз Португалия майдонларида кечаётган баҳслардан на- фақат завқ-шавқ олаемиз, балки зарур ҳўлосалар ҳам чи- қармоқдамиз. Биринчи ва муҳим ҳўлоса шуки, Ўзбекистон футболчи жаҳони забт этиши керак. Зотан Евро-2004 ҳаде- май Хитойда бошланганда Оснб чемпионати олдинди тай- ёр ўқув қўлланмасидир. Биз Испания, Италия ва ниҳоят Германия жамоалари йўл қўйган хатони Ўзбекистон терма- си тақорланмаслигини истаимиз

Хабарлар оқимидан

топганлигини мамнуният билан тилга олдилар. Конференцияда «Рус тили» жамоат- чилик жағғармасини тузишга келишиб олинди. Ушбу жағғарма орқали илмий- услубий ишларни олиб бориш, адабиёт ва ўқув қўлланмаларини яратиш, хал- қаро илмий анжуманларни ўтказиш мақ- садга мувофиқ деб ҳисобланди.

А.АЛИЕВ
Ўзбекистон Аграрноат маҳжум ҳодим- лари касабаси уюшма Марказий кўмитаси ва Қоракөлпостон республикаси кўмитаси АСМ ҳодимлари касабаси уюшма Кўнғирот туман кўмитаси ҳисобчиси

Ўрозбой ЕРМУХАНОВ
вафот этганлиги муносабати билан мар- ҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чў- қур ҳамдардик изҳор этади

ЭКОМАРАФОН

Умумжаҳон ёввойи табиат жағғармасининг «Жонли сайёра» халқаро дастури бўйича кенг қўлланма ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон болалар экологик клублари уюшмаси ҳам бу хайри ишни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ушуманинг «Ёш эколог» клуби эса мазкур лойиҳа доирасида қитъ- алараро экомарафон ўтказишга ҳам киришди. Америка қитъасининг ўсимлик ва ҳайвонот дў- нёсини ўрганиш мақса- дида уюштирилган тан- ловда мазкур клуб аъзолари чизган рас- малар голиб деб топил- ди.

Бундан ташқари, «Америка ажойиботла- ри», «Флора ва фауна», «Миллий боллар» деган мавзуларда тайёрлан- ган ахборотлар асоси- да кичик сахна кўрсату- ви уюштирилди. Экома- рафонда бу изланишлар жаҳон ёввойи табиат жағғармаси мукофоти билан тақдирланди.

ГУЗАЛ ТАБИАТ - ЭКСПОНАТЛАРДА

Ўзбекистон табиат республика давлат кўмитаси ташаббуси билан она дўғирмининг гузал ғўшаларини кенг тарғиб қилиш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда табиат му- зейларини очишга ки- ришилгани ҳам нур усти- га аъло нур бўлди.

Бундай хайрли иш биринчилардан бўлиб Жиззах шаҳрида амал- га ошди. Кўмитанинг вилоят бўлими сайъ- ҳаракати билан янги музейга алоҳида бино ажратилди.

Бу ерда катта экс- позиция юзага келди. Унда 150 га яқин экс- понат намойиш қилин- моқда. «Яшил бойлик - бебаҳо» деган бўлим коллекцияси ранг-бар- ранглиги билан ажра- либ турибди.

Республикамиздаги биринчи табиат му- зейи тажрибаси асо- сида мамлакатимиз- нинг бошқа вилоятлари- да ҳам яшил табиат экспозицияларини очиш кўзда тутилди. **Ақмал МУСАЕВ**

Жума ўғитлари

Озодлик, тенглик ва инсоний эрки- н мундан ортик сўз билан ифодалаб бўлмас керак. Фўзайил Аёз шундай дейди: «Бад- бахтининг нишонаси беш нимарасидур: аввал, кўнгли қаттиқ бўлмоқ; иккин- чи, кўзи уятсиз бўлмоқ; учинчи, дун- дўра ва беҳаё бўлмоқ; тўртинчи, бе- ҳаё мойил бўлмоқ; бешинчи, умид риштасини узоққа солмоқ, яъни бу йил мундоқ қилай, келурга андоқ қилай демак».

Имом Жаъфар Содик шундай на- сихат қиладилар: «Беш кишининг суҳ- батидан ҳазар қил: аввал, ёлғончи- лим, аниқ бирла ҳаммиша фибрб ер- сан; иккинчи, аҳмоқ ва соддаким, сен- га манфаат деб бир иш қилур, зиён- нинг андадур; учинчи, бахилким, ўбдон вақтида сендан айрилур; тўртинчи, кўркунчоқким, ҳожат вақти- да сени ташлар; бешинчи, фосиқки, бир лўқанинг тазмасида сени ярим лақмага сотар».

«Тақрият ул-авлиёи туркий» соф диний-назарий асар бўлиши билан бирга жуда катта ирфоний, маъри- фий, адабий аҳамиятга ҳам эга. Хар бир ривоят, нақл ва ҳадис ва дара- жасидида натъ, тарбия камолоти учун зарур бўлган тарбия усунрлари барқ уриб туради. Улар инсонни имонинг бутунлигига эришиш, эътиқод пояси- ни мустаҳкам этиш, кўзланган мақ- сад йўлидаги ривазлардан тушунла- тилмаслиги, ижтимоий адолат, тўғрилик ва ҳақиқат учун курашиш ва бу йўлда метиндек иродали, пок ни- ятли бўлишга қорлайди.

Инсон учун она-замин, табиат турчи яхшилик қилиш, эътиқодлар учун яхшилик билан инсон этси асли бир эканлигини доимо ёдда сақлаш, элпарварлик, ватандўстлик, нафга банд бўлмаслик, бойлик ва пурбаҳо кийим кетидан қувиб ўзи ва бошқа- лар жонига зиён-заҳмат етказмас- лик ҳар бир зикр гоғайи йўналиши-

киши маъносини билдиради. Эҳтимол, адиб улўғ файласуф Ибн Рушд (X аср) даҳосига иктидо қилиб мазкур таҳал- лусни қўллагандир. Ушбу китоб кўп жиҳатлари билан шу тилдаги асарлардан тўбдан фарқ қилади. Унга хос композицион қури- лиши ҳамда мундарижга эга. Бол- лар зикр тарзида келади. Хар бир зикрда, дастлаб қаламга олинган шайх-авлиёнинг илм-фан, дин, ада- биёт оламидида тутган ўрни, тасаввуф- нинг қайси масаласига мануобийли- ги, илмий қўдрати, унинг қайси илмлар билан шўҳрат қозонгани саъж йўли- да юксак кўтарини руҳда тавсиф этилади.

Китобхонда ўша шахс ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилдирғач, Мўхаммад Сиддик «келтирибдурларким» бошланмаси билан у киши ҳақидаги ривоятларини, «Нақл қилибдурларким», «Нақлдурким», «Дебдурларким» кирит- маси билан унинг сафдошларини, му- ридлари ва замондошларининг суҳ- батлари, хотиралари ва хикояларини беради. Шундан сўнг, «Дебдур» бош- ланмаси билан ўша машоийнинг «Курьон» оятлари ва пайғамбар ҳадислари билан боғлиқ қўнлаб панд- насихатлари, диний тушунчалар, та- саввуф таълимотига доир мушоҳада- лар ва ибратли ҳўлосалар келтири- лади.

Бу панду насихатлар, мақоллар Шарқ донолигининг бебаҳо дурдона- ларидурки, уларнинг ҳар бири кўйма мазмун заминига эга. Мана шайх Самун Мухиб тасавуфга қандай баҳо беради: «Тасавуф улдурки, сен ҳеч нимарсаннинг мулки бўлмағайсан ва ҳеч нимарса сенинг мулкинг бўлма- гай!».

муҳимки, бу йил улар санъат олий ўқув юртурларига имтиёз билан қабул қилинадилар.

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙ

Шундан сўнг ўша авлиёнинг туғи- либ ўсган юрти, ижтимоий келиб чи- қиши, таълим олган шаҳарлари, ус- тозалари, у ёки бу мутасаввуфий оқим- га қўшилиб, ишқи илоҳий йўлига ўтқунга қадар бажарган ишлари, че- кан ривазлари, тавбасига сабаб бўлган ногаҳоний туртки - вахий баён этилади.

ИМТИЁЗ

Тасвирий санъатнинг турли жанр- ларида яратилган ижод намуналари республика кўригида намойиш қилин- ди. Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари то- монидан ўтказилган бу нуфузли тан- ловда мамлакатимиздаги бадий ака- демик лицей, касб-ҳунар коллежла- рининг ёш истеъодовлари қатнашди- лар.

Бу иктидорли ўқувчиларнинг тас- вирий санъат, ҳайкуларошлик каби 12 йўналишда олиб борган ижодий ишларидан энг яхшилари муносиб тақдирланди.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, республика бадий коллежи ва бошқа ўқув юр- турлари ижодкор ўқувчилари эса бирин- чи ўринни кўлга киритдилар. Шуниси

КИММАТЛИ ҚЎЛЛАНМА

Республикамизда электрон жур- нал чоп этишга киришилди. «Биз- нес ва ҳуқуқ» деб номланган бу янги матбуот ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш республика маркази ҳамда инвестицион ва молия аналитикари республика маркази томонидан чи- қарилаётган муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Электрон журналнинг биринчи сони ўқувчилар кўлига бориб те- гди. Унинг саҳифаларида тадбиркор- ликни ривохлантириш истиқболла- рига қаратилган қизиқарли мақола- лар ёритилди.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва аълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.30

Матбуот:

Матбуот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ТВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Телефонлар:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва аълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30